БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗДИР!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№90 (235) 2018 йил 16 ноябрь, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ОДАМЛАР ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 15 ноябрь куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга ташрифлари чоғида ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш, ижтимоий шароитларни яхшилаш бўйича тизимли чора-тадбирларни белгилаб берган эди. Ўтган даврда ҳудудда қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурлари доирасида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Президентимиз дастлаб Нукус халқаро аэропортида амалга оширилган модернизация ишларини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил январь ойидаги ташрифи чоғида берилган топшириқлар ижроси доирасида бу ерда қарийб 80 миллиард сўмлик иш бажарилган. Аэропорт биноси реконструкция қилиниб, терминал кенгайтирилган, замонавий жиҳозланган.

Шавкат Мирзиёев Нукус халқаро аэропорти Қорақалпоғистонни иқтисодий ривожлантириш, бизнес алоқаларни кенгайтириш, туристлар оқимини кўпайтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Президентимиз Мўйноқ туманига ташриф буюрди.

Кейинги йилларда ҳудуддаги экологик ҳолатни яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш бўйича бажарилган манзилли чора-тадбирлар натижасида одамлар турмуш даражаси сезиларли ошди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 28 февралдаги «2017-2018 йиллар даврида Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тўқимачилик, фармацевтика ва электротехника маҳсулотлари, томчилаб суғориш ускуналари, пластмасса қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, балиқчилик ва туризмни ривожлантириш бўйича имкониятлар ишга солинди.

2019 йилда Мўйноқ туманида яна кўплаб – саноат соҳасида 12 та, қишлоқ хўжалигида 5 та, хизмат кўрсатиш бўйича 14 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Ижтимоий соҳа объектлари қуриш ва таъмирлаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган. Шавкат Мирзиёев ушбу лойиҳалар билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация маркази тақдимотида унинг ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти алоҳида таъкидланди. Ушбу инновация маркази Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 24 август куни бўлиб ўтган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг мажлисида билдирган ташаббуси натижасидир. Ўшанда Президентимиз Оролбўйи ҳудудига инновацион ечимлар ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, «яшил иқтисодиёт»ни ривожлантириш, илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш ва бошқа масалалар бўйича муҳим таклифларни илгари сурган эди.

Кўп ўтмай, 2018 йил 16 октябрь куни Ислом тараққиёт банки ва Шўрланиш шароитида биодеҳқончилик халқаро марказининг илмий-техник кўмагида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация маркази ташкил этилди. Орол денгизининг қуриб қолган қисмидаги шўрланган ерларда илмий-тадқиқот ва амалий ишлар кўламини кенгайтириш, экотизимни яхшилашга илғор тажрибалар ва инновацияларни жорий этиш, саҳрони дарахтзорга айлантириш, қурғоқчиликни бошқариш, чорвачиликни ривожлантириш каби вазифалар унинг асосий мақсади этиб белгиланди.

Ҳозирги кунда бу мақсадлар учун Инновацион ривожланиш вазирлиги, халқаро ташкилотлар, жумладан, Франция тараққиёт агентлиги маблағлари йўналтирилмоқда.

Ҳудуд ҳаёти учун яна бир аҳамиятли лойиҳа Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Орол денгизининг қуриган тубида 500 минг гектар ўрмон барпо этиш лойиҳасидир. Шу пайтгача яратилган яйловлар бунинг имкони борлигини кўрсатмоқда. Яқин уч йилда яна 500 минг гектар майдонда ўрмон барпо этилиши Оролбўйидаги экологик ва иқтисодий ҳолатни анча яхшилайди. Туз учиши ва ернинг шўрланиши камайиб, чорвачилик учун улкан озуқа манбаи яратилади.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ҚУРИЛИШ СОҲАСИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг замонавий бозор механизмларини жорий этиш, хусусий бизнесга катта эркинлик бериш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини кучайтириш, хорижий инвестицияларни ва замонавий технологияларни жалб қилиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, қурилиш соҳасидаги ишлар ҳолатини ўрганиш ушбу соҳада ислоҳотларни жадал амалга оширишга ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммолар борлигини кўрсатди.

Шаҳарсозликни техник тартибга солишнинг бозор воситаларини жорий этишга етарлича эътибор берилмаяпти, қурилиш соҳасида катта миқдорда давлат маъмурий-бошқарув ва назорат функциялари сақланиб қолинмоқда.

Объектларни лойиҳалаштириш ва қуришдаги нормалашнинг мавжуд кўрсатма берувчи усули инновацион лойиҳавий ечимлар ва янги илмий-техник ишланмаларни қўллашга тўсқинлик қилмоқда, ички ва хорижий инвестицияларни қурилиш соҳасига жалб қилишни секинлаштирмоқда.

Халқаро савдонинг ҳозирги глобаллашув шартларига жавоб берадиган қурилиш нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш, қўллаб-қувватлаш ва жорий этиш соҳасида кадрларни профессионал тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими мавжуд эмас.

(Давоми 3-бетда)



## Кичкинтойларнинг қувончи чексиз

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида кўплаб бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Натижада қатор ижтимоий соҳа объектлари бунёд этилмоқда, аҳоли турар жойлари, маҳалла ва гузарлар, йўллар обод бўлмоқда.

Бухоро шаҳридаги 82-ихтисослашган мактабгача таълим муассасаси ана шундай эзгу мақсадларга йўғрилган дастурлар доирасида янгича кўрк ва қулайликлар касб этган объектлардан биридир. Давлат дастури доирасида маҳаллий бюджетдан қарийб 6 млрд сўм маблағ ҳисобидан капитал таъмир ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

– Бугунги кунда боғчамизда нутқида нуқсони мавжуд 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган 140 нафарга яқин кичкинтой замонавий шароитларда таълим-тарбия олмоқда, – дейди МТМ мудираси Феруза Абдулаева. – Янги педагогик андоза асосида ташкил этилаётган ўқиш ва мактабга тайёрлаш, атроф-олам билан таништириш каби машғулотларда болажонлар дастлабки билим ва кўникмани пухта эгалламоқда. Кичкинтойларнинг ҳар бир кунини мазмунли ўтказиш учун 48 нафар тарбиячи масъул. Муассасада таълимий дастурлар билан бирга болаларда нутқни равонлаштиришга мўлжалланган махсус муолажалар олиб борилади.

Мазкур муассасада болажонларни ҳар тарафлама чиниқтирувчи машғулотлар учун замонавий спорт зали ва ёпиқ сузиш ҳавзаси бунёд этилган. Шунингдек, муассасада хавфсизлик чораларини таъминлаш мақсадида 32 та кузатув камераси ўрнатилди.

Дарҳақиқат, бу каби замонавий қулайликларга эга ва кўркам муассасаларнинг ҳар бир ҳудудда қад ростлаётгани халқимиз, айниқса, ёш авлод қалбига катта қувонч бахш этмоқда.

**Суратларда:** Бухоро шаҳридаги 82-ихтисослашган мактабгача таълим муассасасида.

**Дилшод ЖАЛОЛОВ,**
**Эшмуҳаммад ХАЛИЛОВ (фото),**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбирлари.**









Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.



# ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ОДАМЛАР ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Давлатимиз раҳбари мазкур режаларни маъқуллаб, уларни тез вақтларда амалга ошириш ва янада ривожлантириш учун зарур кўмак берилишини таъкидлади. Мўйноқнинг мавжуд салоҳияти, табиий имкониятларидан фойдаланиб, керакли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича топшириқлар берди.

Масалан, Мўйноқда қамиш кўп. Уни қайта ишлайдиган корхоналар ташкил этиб, бозорбоп қурилиш материаллари тайёрлаш, ёшларни иш билан таъминлаш мумкин. Ҳududнинг яна бир имконияти – сув ҳавзалари. Уларда балиқчиликни ривожлантириш, балиқни қайта ишлаб сотиш орқали оилаларга барака киради.

Мўйноқда чорвачилик, айниқса, эчкичиликни ривожлантириш ҳам мумкин. Эчки ҳар қандай муҳитга яхши мослашади, озуқа танламайди. Унинг жунидан кундалик эҳтиёж товарлари тайёрлаб сотиш хотин-қизлар учун иш ўрни бўлади.

Орол фожиасидан энг кўп зарар кўрган асли шу – Мўйноқ аҳолиси, деди Шавкат Мирзиёев. Уларнинг сабр-қаноати, ватанпарварлиги, меҳнаткашлиги учун раҳмат айтишимиз, шунга муносиб хизмат қилишимиз керак.

Шу боис Президентимиз келгуси икки йилда Мўйноқда 20 та кўп қаватли уй қуриш, янги шаҳарча барпо этиш бўйича топшириқ берди. Бу ерда замонавий шаҳарсозликдаги барча янгиликларни жорий этиш, намунавий инфратузилма яратиш зарурлигини таъкидлади.

Экология музейи залида маҳаллий аҳоли вакиллари билан бўлиб ўтган мулоқотда ана шу улкан режалар ҳақида сўз борди. Шавкат Мирзиёев Мўйноқ ривожида янги давр бошланиши, замонавий уй-жойлар ва корхоналар қурилиши, туман ёшларининг олий ўқув юртларига кириши учун имтиёзлар берилишини таъкидлади. Ўзбекистон Президентининг ташрифи, туманни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратаётган эътибори мўйноқликларга катта қувонч бағишлади.

Давлатимиз раҳбари Қанликўл туманида барпо этилган «Kanteks invest» тўқимачилик корхонаси билан танишди.

Президентимизнинг 2017 йил январь ва декабрь ойларида Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида Қанликўл туманида йирик тўқимачилик корхонаси ташкил этиш лойиҳаси тақдим этилган эди. Ўтган вақт мобайнида корхона учун 10 гектар ер ажратилиб, бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Корхонани барпо этиш енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда тажрибали бўлган «Kanteks invest» МЧЖ томонидан амалга оширилди. Натижада яйдоқ ерда замонавий тўқимачилик фабрикаси қад ростлади.

Айни пайтда корхонага Германия, Швейцария, Туркия ва Ҳиндистондан сўнгги русумдаги тўқимачилик дастгоҳлари келтирилиб ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Лойиҳа қиймати 38,7 миллион АҚШ доллари бўлган корхонани келаси йил биринчи чорагида ишга тушириш мўлжалланган. Бу ерда дастлабки босқичда йилига 11 минг тонна сифатли ип-калава ишлаб чиқарилади. 2020 йилда рўёбга чиқариладиган навбатдаги босқичда тўқимачилик матоси тайёрлаш, 2021 йилда амалга ошириладиган учинчи босқичда бўяш ва тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, йилига қиймати 25 миллион АҚШ долларидан зиёд маҳсулотни экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади.

Давлатимиз раҳбари корхонанинг ишлаб чиқариш биноси, тўқимачилик дастгоҳларини кўздан кечирди, таъсисчилар билан суҳбатлашди.

650 га яқин киши иш билан таъминланадиган фабрика учун бугунги кунда ишчилар танлаб олиниб, шу ернинг ўзида ташкил қилинган ўқув марказида ўқитилмоқда, шунингдек, бошқа ҳудудлардаги корхоналарда билим ва малакаси оширилмоқда.

Шу ерда Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантиришга қаратилган иқтисодий лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Қорақалпоғистон Республикасида ип-калава экспортини камайтириш, жинси матоси, момиқ сочиқ ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экин майдонларини кластерларга бериш, ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини ошириш ҳақида сўз борди. Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлаш ташкилотлари уюшмасининг амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари, жумладан, ноябрь ойида фаолият бошлаган «Lanko Miya» МЧЖ қўшма корхонасида қизилмия экстрактидан Европа бозори учун мўлжалланган қандолат маҳсулотлари, шоколад учун ингредиентлар ишлаб чиқариш лойиҳаси давлатимиз раҳбарида катта қизиқиш уйғотди. Қорақалпоғистонда қизилмия плантацияларини кўпайтириш, хорижий шериклар билан водород-пероксид заводини ишга тушириш, инвесторлар учун божхона тўлови, маҳсулотни стандартлаштиришни енгиллаштириш, «Нукус-фарм» ЭИЗда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан тавсиялар берилди.

Ўзбекистоннинг Хитой, Жанубий Корея, Япония, Кувайтдаги элчихоналари томонидан ушбу давлатлар билан амалга оширилаётган лойиҳалар тақдимотнинг эътиборли жиҳати бўлди. Президентимиз топшириғи асосида элчиларимиз томонидан ушбу мамлакатлар билан Қорақалпоғистонда йирик лойиҳаларни амалга оширишга киришилгани, жумладан, жалб қилинаётган инвестициялар ҳисобига замонавий автоматлашган цемент ва лок-буёқ заводлари ишга туширилиши ва бошқа катта ҳажмли лойиҳаларни татбиқ этишга киришилгани қайд этилди.

Қорақалпоғистон келгуси 2-3 йилда бутунлай ўзгариши керак. Элчилар келиб, бу ерда уй-жой, йўл инфратузилмаси, таълим, ижтимоий соҳа, сув таъминоти каби йўналишлар бўйича инвестиция лойиҳаларига таклифлар бериши зарур. Энг муҳими, ушбу ишларнинг самараси қорақалпоғистонликлар ҳаётида сезилиши керак, деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик, узумчилик кластерлари ташкил этиш ҳисобига ушбу тармоқларни ривожлантириш, хориждан тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилишни кўпайтириб, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, ҳудуднинг экспорт салоҳиятини юксалтириш юзасидан мутасаддиларга зарур кўрсатмалар берди.

Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, янги замонавий тиббиёт муассасалари бунёд этилмоқда, мавжудлари реконструкция қилинаётир.

Бу борада Оролбўйи аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш мақсадида амалга оширилаётган 2017-2018 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, мазкур дастур асосида 36 объектда 84 миллиард сўмликдан зиёд иш бажарилди, 2,8 миллион долларлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар келтирилди. 2 минг 365 шифокор Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида, 53 шифокор хорижда малака оширди. 72 замонавий автотранспорт воситаси келтирилди.

«Қўнғирот» овул фуқаролар йиғинидаги 23-оилавий поликлиника ҳам жорий йилда реконструкция қилинди. УТТ, ЭКГ, биокимёвий анализатор каби замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Шавкат Мирзиёев мазкур оилавий поликлиникада яратилган шароитлар билан танишди.

Муассаса «Қўнғирот», «Шуманай», «Қангли» овул фуқаролар йиғинлари аҳолисига хизмат кўрсатади. Поликлиникада 5 ўринли стационар ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш шохобчаси ташкил этилган. Аёллар маслаҳатхонаси, ижтимоий дорихона, фитобар аҳоли хизматида.

Президентимизга мобиль офтальмологик клиника фаолияти ҳақида ҳам маълумот берилди. «Isuzu» автобусида ташкил этилган ушбу мобиль клиника кўз касаллигига чалинган беморларни жойларда чуқур текширувдан ўтказиш ва даволашда муҳим аҳамият касб этади.

Шавкат Мирзиёев аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилишини, айниқса, хотин-қизлар ва болалар соғлиғи учун барча шароит яратилишини таъкидлади.

Президентимиз Қўнғирот туманидаги «Wunderkinds in Kungirad» мактабгача таълим муассасасида бўлди.

Давлатимиз раҳбари фарзандларимиз тарбиясининг биринчи ва муҳим бўғини – мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришга доимий эътибор қаратиб келади.

Қўнғирот тумани «Қўнғирот» овул фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Wunderkinds in Kungirad» давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим муассасасига 90 дан зиёд бола қамраб олинган.

Мазкур боғча жорий йил 7 ноябрь куни фаолият бошлаган. Тадбиркор Дилноза Абдуллаева март ойида ҳудуддаги ташландиқ бинони «ноль» қийматда олиб, уни замонавий мактабгача таълим муассасасига айлантирди. Бунинг учун «Ўзсаноатқурилишбанк»дан 1,5 миллиард сўм кредит ажратилди. 500 миллион сўм ўз маблағини сарфлади. Боғчада болаларга рус, инглиз тиллари интерфаол усулларда ўргатилади. Спорт тўгараклари мавжуд.

Давлатимиз раҳбари боғчада болаларга яратилган шароитлар билан танишди, ходимлар билан мулоқот қилди.

Фарзандларимизни болалигидан соғлом, ақлли қилиб тарбияласак, эртага мактабга билимли ёшлар келади. Мактабни ўқувчилар ҳар томонлама билимли бўлиб битирса, институтларимизга илм-маърифатли, маънавиятли ёшлар боради, мамлакатимиз учун яхши кадрлар етишиб чиқади. Шунинг учун мактабгача таълим доим диққатимиз марказида бўлиши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимизга Қорақалпоғистонда мактабгача таълим тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва кўзда тутилаётган лойиҳалар тўғрисида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давом этмоқда.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Есимхон ҚАНОАТОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Зомин туманида сайёр қабул ўтказилди.

## Муаммолар ечимини топмоқда





Тадбирда 25 нафар фуқарога ўзбошимчалик билан қурилган ўз уй-жойига мулк эгалигини тасдиқловчи кадастр ҳужжатлари, турли сабаблар билан туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ололмаган 20 нафар болага гувоҳномалар топширилди.

– Ўзим яшаб келаётган уйимга мулк эгалиги ҳақида ҳужжат олиш учун идорама-идора юришдан чарчаб, охири бу ишнинг ҳал бўлишига ишонмай қўйган эдим, – дейди «Халқабод» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Жумагул Қаршибоева ЎзА мухбири Тошқул Бекназаровга. – Давлат хизмати марказидагилар ёрдами билан 20 йилдан буён ҳал этилмаган бу иш бир неча кунда ҳал этиб берилганидан миннатдорман.

Президентимизнинг 2018 йил 20 апрелдаги «Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида»ги фармони асосида ўтказилаётган бир марталик умумдавлат акциясида йиллар давомида ечилмай келаётган муаммолар ҳал этилганидан Ж.Қаршибоева каби мамнун бўлаётганлар кўп.

Давлат хизматлари агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси маълумотига кўра, вилоятда кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси доирасида ҳозиргача 1 минг 719 ариза ўрганиб чиқилган, ноқонуний қурилган турар жойлар қонунийлаштириб берилган. Биргина Зомин туманида ушбу акция бошлангандан буён 186 мурожаат ҳал этилган.

Эндиликда туғилганлик, ўлим далолатномаларини қайд этиш ва бу ҳужжатларни расмийлаштириб бериш ҳам давлат хизматлари марказлари томонидан бажарилаётир.

Ўрганишлар давомида Зарафшон Шоматов, Хайриллоҳ Нарзиқулов туғилганлик ҳақида гувоҳномага эга бўлмагани туфайли ҳатто мактабга ҳам қабул қилинмагани, ҳалигача ўқиш-ёзишни билмаслиги аниқланди. Сайёр қабулда уларга туғилганлик ҳақида гувоҳномалар топширилди.

Қабулда давлат хизматлари марказлари мутахассислари, ҳуқуқшунослар аҳолига давлатимиз томонидан қулайлик яратиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг аҳамияти ҳақида маълумот берди.

Бунёдкорлик

## Марказ янги бинода иш бошлади

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорати марказида 65 шифокор, 91 ўрта маълумотли ходим меҳнат қилади.





Марказ тизимидаги муассасаларга жорий йилда 30 нафарга яқин олий маълумотли мутахассис ишга қабул қилинди.

Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг янги биноси фойдаланишга топширилиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда шулар ҳақида айтилди. Марказ биноси қурилишига 3,5 миллиард сўм маблағ сарфланди.

– Бу ўзгаришлар жамоамиз учун қувончли воқеа бўлди, – дейди марказ бўлим бошлиғи С. Утемисова ЎзА мухбири Е. Қаноатов билан суҳбат чоғида. – Хорижий мамлакатлардан олиб келинган замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган муассасамизда юқумли касалликларни ўз вақтида аниқлаш, санитария-эпидемиология тадбирларини сифатли амалга ошириш учун барча имкониятлар яратилди. Яратилган имкониятлардан фойдаланган ҳолда янада самарали ишлашга ҳаракат қиламиз.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ўринбосари О. Ҳамроев иштирок этди.

## Тадбиркорга кўмакчи, ислоҳотлар тарғиботчиси

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича тузилган ишчи гуруҳ кўмагида Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида аҳолининг 3 мингдан зиёд муаммоси ҳал қилинди, 275 тадбиркорга 43 миллиард сўм кредит ажратилди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ 22 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Маданият, Кушек, Жумагул, Тинчлик, Пахтазор, Дўстлик, Беруний маҳаллаларида ичимлик суви таъминоти қайта тикланишини, 78,5 километр автомобиль йўллари ва 36 жамоат транспорти бекати жорий ва капитал таъмирланишини таъминлади.

Ёш оилалар учун уй-жой ва ижтимоий инфратузилма объектлари, жумладан, мактабгача таълим муассасаси, болалар ижодиёти маркази, спорт ва болалар майдончалари, истироҳат боғи, ёшлар тадбиркорлиги учун объектлар жойлашган «Yoshlar – kelajagimiz» мажмуаси қуриб битказилишига кўмаклашди.

Мажмуа таркибида замонавий ахборот-ресурс маркази ташкил қилинди. Марказ юқори созламали компьютер техникалари ва оптик толали интернет алоқа тизими билан таъминланди. Шунингдек, мазкур тизим давлат органлари сайтлари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фонди тармоғи ҳамда «ZiyoNET» таълим порталига уланди.

Бундан ташқари, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишлари жадаллаштирилди. Хусусан, туман ҳудудида велосипед ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона ташкил этиш бўйича 80 миллион доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда 3 мингдан зиёд, шундан 70 фоизи ёшларга мўлжалланган янги иш ўринлари яратиш режалаштирилди.

**Муаттар РЎЗИБОЕВА.**
**ЎзА.**

Долзарб мавзу

Фарғона вилоятидаги айрим қишлоқ оилавий поликлиникаларида тиббий хизмат кўрсатишдаги кўплаб муаммолар ўз ечимини топганича йўқ. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими, уларнинг моддий-техник базаси ва малакали кадрлар билан таъминланиш даражаси талабга жавоб бермайди.

## Тиббиётдаги камчиликлар қачон барҳам топади?

Президентимиз раислигида 9 ноябрь куни ўтказилган соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, ҳудудлар аҳолисини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ислоҳотлар натижаларини таҳлил қилиш ва истиқболдаги устувор вазифаларни белгилашга бағишланган видеоселектор йиғилишида тиббий хизмат сифати танқидий баҳоланиб, бу борада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар аниқ белгилаб берилди.

Фарғона вилоятида ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, муаммоларни ҳал этиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида 89 қишлоқ ва 26 шаҳар оилавий поликлиникаси фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда 15 муассасада қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилган. Афсуски, бу борадаги ишлар ҳамма жойда ҳам яхши йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Айрим шаҳар ва туманларда тиббий хизмат кўрсатиш кўнгилдагидек эмас. Баъзи жойларда малакали мутахассислар етишмайди. Замонавий тиббий жиҳозлар билан етарли даражада таъминланмаган.

Ёзёвон туманида бугунги кунда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар оқсаётганининг гувоҳи бўлиш мумкин. «Сойбўйи» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 33-қишлоқ оилавий поликлиникаси жорий йилда таъмирдан чиқарилди. Бундан аҳоли беҳад мамнун бўлди. Бироқ уларнинг хурсандчилиги узоққа бормади...

Мазкур оилавий поликлиника 20 мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатиши зарур эди. Аммо бу ерда тиббий хизмат кўрсатиш учун имкониятлар мавжуд эмас. Тор доирадаги мутахассислардан фақат жарроҳ ва стоматолог бор, холос. Тиббий жиҳозлар етарли эмас, ЭКГ аппарати носоз. Қачон таъмирланиши ҳам маълум эмас. Поликлиникага электр таъминотини яхшилаш мақсадида янги трансформатор ўрнатилиши керак. Минг афсуски, трансформатор олиб келинган бўлса-да, айрим муаммолар сабаб, ўрнатилмай турибди.

Август ойида бу тиббиёт масканида туманда биринчилардан бўлиб ягона электрон рўйхатга олиш ва интернет тармоғи орқали шифокор қабулига ёзилиш «электрон поликлиника» автоматлаштирилган ахборот тизими ишга туширилган эди. Айни кунларда бу тизим умуман ишлагани йўқ. Барча ишлар хўжакўрсинга ташкил этилган кўринади. Мазкур қишлоқ оилавий поликлиникаси мудири Баҳром Мамадаюповнинг айтишича, бунга асосий сабаб интернетга уланиш билан боғлиқ муаммо экан.

Аслида поликлиникага ахборот технологияларини тушунадиган мутахассис ҳам керак эмасми?! Хўш, шундай экан, нега вилоятда айнан бу тизим жорий этилди?

Туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси ўтган йилда қурилиб, ишга туширилган. Бу ердаги ҳолат ҳам бугунги кун талабига умуман жавоб бермайди. Шифокор қабулига кириш учун узундан-узун навбатлар ҳар қандай кишининг дилини хуфтон қилади. Поликлиника мудири Олим Турдиев эса бунга жиддий қараётгани ҳам йўқ. Бу ерда ҳам »электрон поликлиника» ишламаяпти.

– Эрталаб келганмиз, соат 12 бўляптики, ҳали ҳам навбатда турибмиз, – дейди Нозим Иброҳимов. – Биз-ку майли, мана бу аёлларнинг аҳволини бир кўринг.

Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ўринбосари Иброҳим Ёқубов биз билан суҳбатда туманда бир қатор кадрлар етишмаётганини, баъзи тиббий жиҳозларга эҳтиёж борлигини айтди.

Умуман олганда, маҳаллаларда аҳоли сифатли тиббий хизмат билан тўлиқ қамраб олинмаган. Баъзида тиббий кўриклар номигагина ташкил этилмоқда. Қишлоқ оилавий поликлиникасига мурожаат қилган фуқаролар тор доирадаги мутахассислар йўқлиги боис, яна сарсон бўлмоқда. Тумандаги мавжуд 4 та қишлоқ оилавий поликлиникасида ҳам патронаж хизматини такомиллаштириш, ҳар бир оилага кириб бориш ва аҳоли саломатлигидан хабардор бўлиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш каби ишларда мутасаддилар масъулияти етарли даражада, деб бўлмайди. Давлатимиз раҳбари томонидан қишлоқда ҳам тиббий хизмат сифатини замон талаблари даражасида ташкил этиш вазифаси қатъий қўйилаётган бир пайтда бундай ҳолатларга чек қўйиш вақти келганга ўхшайди.

Ёзёвон туманидаги аҳволдан ҳам кўриниб турибдики, аҳоли кўрсатилаётган тиббий хизматдан умуман қониқмаяпти. Соҳага масъул айрим мутасаддилар ишни ҳамон ўзибўларчилик ҳолатига ташлаб қўйганга ўхшайди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бунга нима дер экан?

**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Тендерные торги по строительству подъездных и внутримассивных дорог в рамках Программы «Строительство доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности» с участием Кувейтского фонда арабского экономического развития.



## Уведомление

### о продлении тендерных торгов по строительству подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения в рамках Программы «Строительство доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности» с участием Кувейтского фонда арабского экономического развития ПРОЕКТ № УЗБ-983.
### № контракта/тендерных торгов КФР-2018/1

1. Республика Узбекистан подписала Заемное Соглашение с Кувейтским фондом арабского экономического развития (далее – КФАЭР) по реализации Программы «Строительство доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности» (далее – Программа) и намерена использовать часть финансовых средств на строительство подъездных и внутримассивных дорог в сельских местностях Ташкентской области Республики Узбекистан в рамках Программы. ИК ООО «Кишлок курилиш инвест» («Заказчик») настоящим приглашает правомочных участников к подаче своих тендерных предложений в запечатанном виде на осуществление строительства подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения.

**Срок строительства составляет** – 6 (шесть) месяцев.

2. Участники торгов могут подавать свои тендерные предложения по одному или нескольким лотам, как указано в тендерных документациях. Участники могут предоставить скидку в случае присуждения одного или более контракта, при условии, что данная скидка отражена в Письме предложений.

3. Национальные тендерные торги (НКТ) будут проводиться в соответствии с процедурой КФАЭР, для товаров и работ в рамках финансирования КФАЭР и доступны всем правомочным участникам, как описано в тендерных документациях.

4. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию в соответственном Территориальном консалтинговом центре по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по адресу ниже, в течение рабочего времени от 10.00 до 17.00.

| Ташкентская область |
|---|
| **Адрес:** город Ташкент, Навои, 18.<br>**Телефон:** 71-241-15-22.<br>**Факс:** 71-241-15-32. |

5. Полный комплект тендерной документации на русском языке, может быть приобретен правомочными участниками по представлению письменного заявления на имя организаторов торгов на вышеуказанный адрес и приложить платежное поручение из банка о невозмещаемой оплате в размере 1 МЗРП.

Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – соответствующему Территориальному консалтинговому центру по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве.

**Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:**

| Ташкентская область |
|---|
| **Банк:** АКБ «Турон банк» ЦОУ<br>**Р/с:** 2021 0000 2045 4602 7001<br>**МФО** 00446 **ИНН** 300 017 720 |

**6. Тендерные предложения должны быть представлены:**

по вышеуказанному адресу;

**до истечения крайнего срока подачи предложения:** согласно дате, указанной в перечне контрактов;

необходимо представить декларацию для тендерного предложения.

**Вскрытие тендерных предложений состоится в последний день подачи заявок, в присутствии представителей участников торгов, изъявивших желание присутствовать по нижеуказанному адресу:**

| Хокимият Ташкентской области |
|---|
| **Адрес:** город Нурафшон, улица «Хокимият».<br>**Телефон:** 71-232-80-47.<br>**Факс:** 71-232-80-42. |

7. Заинтересованные правомочные участники торгов должны отвечать следующим требованиям:

| Протяженность дороги | Требуемый среднегодовой оборот в строительстве (сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (сум) | Опыт работ в схожих контрактах (сум) | Земляные работы, выполненные за последние 3 года ( $м^3$) | Бетонные работы, выполненные за последние 3 года ( $м^3$) | Работы по строительству сетей водоснабжения, выполненные за последние 3 года (п.м.) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 км | 300 000 000,0 | 100 000 000,0 | 240 000 000,0 | 800,0 | 50,0 | 500,0 |
| 2 км | 600 000 000,0 | 200 000 000,0 | 480 000 000,0 | 1 600,0 | 100,0 | 1 000,0 |
| 3 км | 900 000 000,0 | 300 000 000,0 | 720 000 000,0 | 2 400,0 | 150,0 | 1 500,0 |
| 4 км | 1 200 000 000,0 | 400 000 000,0 | 960 000 000,0 | 3 200,0 | 200,0 | 2 000,0 |
| 5 км | 1500 000 000,0 | 500 000 000,0 | 1 200 000 000,0 | 4 000,0 | 250,0 | 2 500,0 |

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

## Уведомление

### о продлении тендерных торгов по строительству подъездных и внутримассивных дорог в рамках Программы «Строительство доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности» с участием Кувейтского фонда арабского экономического развития ПРОЕКТ № УЗБ-983.
### № контракта/тендерных торгов КФР-2018/2

1. Республика Узбекистан подписала Заемное Соглашение с Кувейтским фондом арабского экономического развития (далее – КФАЭР) по реализации Программы «Строительство доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности» (далее – Программа) и намерена использовать часть финансовых средств на строительство подъездных и внутримассивных дорог в сельских местностях Ташкентской области Республики Узбекистан в рамках Программы. ИК ООО «Кишлок курилиш инвест» («Заказчик») настоящим приглашает правомочных участников к подаче своих тендерных предложений в запечатанном виде на осуществление строительства подъездных и внутримассивных дорог.

**Срок строительства составляет** – 7 (семь) месяцев.

2. Участники торгов могут подавать свои тендерные предложения по одному или нескольким лотам, как указано в тендерных документациях. Участники могут предоставить скидку в случае присуждения одного или более контракта, при условии, что данная скидка отражена в Письме предложений.

3. Национальные тендерные торги (НКТ) будут проводиться в соответствии с процедурой КФАЭР, для товаров и работ в рамках финансирования КФАЭР и доступны всем правомочным участникам, как описано в тендерных документациях.

4. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию в соответственном Территориальном консалтинговом центре по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве, по адресу ниже в течение рабочего времени от 10.00 до 17.00.

| Ташкентская область |
|---|
| **Адрес:** город Ташкент, Навои, 18.<br>**Телефон:** 71-241-15-22.<br>**Факс:** 71-241-15-32. |

5. Полный комплект тендерной документации на русском языке, может быть приобретен правомочными участниками по представлению письменного заявления на имя организаторов торгов на вышеуказанный адрес и приложить платежное поручение из банка о невозмещаемой оплате в размере 1 МЗРП.

Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – соответствующему Территориальному консалтинговому центру по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве.

**Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:**

| Ташкентская область |
|---|
| **Банк:** АКБ «Турон банк» ЦОУ<br>**Р/с:** 2021 0000 2045 4602 7001<br>**МФО** 00446 **ИНН** 300 017 720 |

**6. Тендерные предложения должны быть представлены:**

по вышеуказанному адресу;

**до истечения крайнего срока подачи предложения:** согласно дате, указанной в перечне контрактов;

необходимо представить декларацию для тендерного предложения.

**Вскрытие тендерных предложений состоится в последний день подачи заявок, в присутствии представителей участников торгов, изъявивших желание присутствовать по нижеуказанному адресу:**

| Хокимият Ташкентской области |
|---|
| **Адрес:** город Нурафшон, улица «Хокимият».<br>**Телефон:** 71-232-80-47.<br>**Факс:** 71-232-80-42. |

7. Заинтересованные правомочные участники торгов должны отвечать следующим требованиям:

| Протяженность дороги | Требуемый среднегодовой оборот в строительстве (сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (сум) | Опыт работ в схожих контрактах (сум) | Земляные работы, выполненные за последние 3 года ( $м^3$) | Бетонные работы, выполненные за последние 3 года ( $м^3$) | Работы по асфальтированию дорог, выполненные за последние 3 года ( $м^2$) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 км | 500 000 000,0 | 150 000 000,0 | 400 000 000,0 | 800,0 | 100,0 | 2 000,0 |
| 2 км | 1000 000 000,0 | 300 000 000,0 | 800 000 000,0 | 1 600,0 | 200,0 | 4 000,0 |
| 3 км | 1 500 000 000,0 | 450 000 000,0 | 1 200 000 000,0 | 2 400,0 | 300,0 | 6 000,0 |
| 4 км | 2 000 000 000,0 | 600 000 000,0 | 1 600 000 000,0 | 3 200,0 | 400,0 | 8 000,0 |
| 5 км | 2 500 000 000,0 | 750 000 000,0 | 2 000 000 000,0 | 4 000,0 | 500,0 | 10 000,0 |

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

## ПРИГЛАШЕНИЕ № КФР-2018/1 ДЛЯ УЧАСТИЯ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

### по строительству подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения в рамках Программы «Строительство доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности» с участием Кувейтского фонда арабского экономического развития

### ПЕРЕЧЕНЬ КОНТРАКТОВ

| № лота | Район | Массив | Протяжённость сетей водоснабжения (км) | Конечный срок подачи предложений |
|---|---|---|---|---|
| Итого по Ташкентской области | | | 42,706 | |
| КФР-30/1 | Бекабадский, Букинский | «Богишамол», «Такачи», Й. Ходжиматов, «Хужакургон», «Ачамайли» | 2,994 | 2 декабря 2018 года, 10.00 |
| КФР-31/1 | Бустанлыкский | «Дахана», «Истиклол», «Сойлик», «Бирлик», «Сариканли», «Бойтерак», «Коранкул», «Намуна» | 5,727 | 2 декабря 2018 года, 10.00 |
| КФР-32/1 | Зангиатинский, Чиназский | «Тариктешар», «Туркистон», Улугбек, «Узгариш», «Туркистон», С. Айний, «Сохибкор» | 4,408 | 2 декабря 2018 года, 10.00 |
| КФР-33/1 | Янгиюльский | «Янгиюль», «Туябугиз», «Коратепа», «Гулбахор», «Бахор» | 2,682 | 2 декабря 2018 года, 10.00 |
| КФР-34/1 | Кибрайский | «Шалола», «Янги авлод», «Байткургон», А. Темур, «Мехнат» | 5,540 | 2 декабря 2018 года, 11.00 |
| КФР-35/1 | Куйичирчикский | «Бирлик», «Тукбай», «Сурум», «Пахтазор», «Гулистан», «Ибрат» | 2,770 | 2 декабря 2018 года, 11.00 |
| КФР-36/1 | Паркентский, Оккурганский, Пискентский | «Гулбог», «Чинарбулак», «Истикбол», «Султонобод», «Бирлик», Навои, «Бирлик» | 4,840 | 2 декабря 2018 года, 11.00 |
| КФР-37/1 | Ташкентский, Уртачирчикский | «Гулистон», «Хасанбай», «Гулзор», «Кутарма», «Ташлок», «Шоликор» | 6,220 | 2 декабря 2018 года, 11.00 |
| КФР-38/1 | Юкоричирчикский | «Кавардон», «Жумабозор», «Корасув», Саксонота, «Нурли замин», «Кизилсой», «Барданкул», «Истиклол» МФЙ, «Истиклол» | 7,525 | 2 декабря 2018 года, 11.00 |

## ПРИГЛАШЕНИЕ № КФР-2018/1 ДЛЯ УЧАСТИЯ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

### по строительству подъездных и внутримассивных дорог в рамках Программы «Строительство доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности» с участием Кувейтского фонда арабского экономического развития

### ПЕРЕЧЕНЬ КОНТРАКТОВ

| № лота | Район | Массив | Протяжённость подъездных и внутримассивных дорог (км) | Конечный срок подачи предложений |
|---|---|---|---|---|
| Итого по Ташкентской области | | | 37,497 | |
| КФР-77/1 | Бекабадский, Букинский | «Богишамол», «Такачи», Хаджиматов, «Хужакургон», «Ачамайли» | 3,079 | 2 декабря 2018 года, 14.00 |
| КФР-78/1 | Бустанлыкский | «Дахана», «Истиклол», «Сайлик», «Бирлик», «Сариканли», «Бойтерак», «Коранкул», «Намуна» | 4,511 | 2 декабря 2018 года, 14.00 |
| КФР-79/1 | Зангиатинский, Ташкентский | «Туркистон», «Тариктешар», «Туркистон», «Узгариш», Улугбек, «Гулистон», «Хасанбай» | 3,559 | 2 декабря 2018 года, 14.00 |
| КФР-80/1 | Янгиюльский, Чиназский | «Янгиюл», «Туябугиз», «Коратепа», «Гулбахор», «Бахор», С. Айний, «Сохибкор» | 4,089 | 2 декабря 2018 года, 14.00 |
| КФР-81/1 | Кибрайский | «Шалола», «Янги авлод», «Байткургон», А. Темур, «Мехнат» | 4,815 | 2 декабря 2018 года, 14.00 |
| КФР-82/1 | Куйичирчикский, Юкоричирчикский | «Бирлик», «Тукбой», «Сурум», «Пахтазор», «Гулистон», «Ибрат», Саксонота | 3,515 | 2 декабря 2018 года, 14.00 |
| КФР-83/1 | Паркентский, Пискентский, Юкоричирчикский | «Гулбог», «Чинорбулок», «Истикбол», «Бирлик», Навоий, «Истиклол» МФЙ, «Истиклол» | 4,706 | 2 декабря 2018 года, 14.00 |
| КФР-84/1 | Аккурганский, Уртачирчикский | Султонобод, «Бирлик», «Гулзор», «Кутарма», «Ташлок», «Шоликор» | 4,239 | 2 декабря 2018 года, 14.00 |
| КФР-85/1 | Юкоричирчикский | «Кавардон», «Жумабазар», «Корасув», «Нурлизамин», «Кизилсой», «Барданкул» | 4,984 | 2 декабря 2018 года, 14.00 |

## ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

# Бассейновое водохозяйственное объединение «Амударья»

### объявляет открытый конкурсный торг на выполнение строительного контракта по объекту:

| № п.п | Наименование объектов | Стартовая стоимость заказчика (тыс. сум) с НДС | Стартовая стоимость заказчика (тыс. сум) без НДС | Срок завершения строительства к. дн. |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Реконструкция системы магистральных каналов и подводящей части канала «Клычниязбай» с ПК5+50 по ПК519+00 в Хорезмской области и Республике Каракалпакстан. | 26 074 479,898 | 21 728 733,248 | 23 месяца |

**Заказчик** – Бассейновое водохозяйственное объединение «Амударья».

**Расположенный по адресу** – г. Ургенч, ул. Аз-Замахшарий, 63.

**Источник финансирования проекта:** осуществляется за счет средств Государственного бюджета.

**Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов, должны соответствовать следующим требованиям**: иметь оборотные средства в размере не менее 20 % от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

**При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции:**

– **для отечественных подрядчиков** – при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

**Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга – в Консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве Хорезмской области, расположенный по адресу**: г. Ургенч, ул. Пахлавон Махмуда, 10.

**Тел.:** 62-228-51-99.

**Стоимость одного комплекта документов** – 200 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу.

**Крайний срок представления оферт организатору торгов** – ко дню и часу вскрытия оферт.

**Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления по адресу**: г. Ургенч, ул. Аз-Замахшарий, 63.

**Тел.:** 62-227-14-92.

**Факс:** 62-227-33-74.

# «Насаф риэлт сервис» МЧЖ ва «Талимаржон Иссиқлик электр станцияси» УК

### очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 июлдаги 515-сонли қарорига мувофиқ 2018 йил 13 декабрь куни соат 11.00 дан бошлаб, Қарши шаҳридаги «Насаф риэлт сервис» МЧЖ биносида «Талимаржон Иссиқлик электр станцияси» УКга қарашли қуйидаги объектлар нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қўйилади:**

1. Нишон тумани, «Нуристон» МФЙ ҳудудида жойлашган, **умумий майдони** – 686,0 квадрат метр, **қурилиш майдони** – 383,64 квадрат метр бўлган «Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш биноси». **Бошланғич баҳоси** – 352 986 969 сўм.

2. Нишон тумани, «Нуристон» МФЙ ҳудудида жойлашган, **умумий майдони** – 380,0 квадрат метр, **қурилиш майдони** – 269,93 квадрат метр бўлган «Тикувчилик цехи» (эски «Овощной магазин») биноси. **Бошланғич баҳоси** – 279 050 519 сўм.

Аукцион савдосида қатнашиш учун буюртманомалар эълон чиққан санадан бошлаб 2018 йил 12 декабрь соат 18.00 гача ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача «Насаф риэлт сервис» МЧЖ биносида қабул қилинади.

Савдо ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ва шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 йил ичида тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган жисмоний ва юридик шахслар закалат келишуви тузилганидан кейин, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «Насаф риэлт сервис» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари керак:** 2020 8000 3003 8650 9001 АТИБ «Ипак йўли» Қарши филиали МФО 01119 СТИР 303 037 805.

**Шунингдек, қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:**

- **жисмоний шахлар** – фуқаролик паспорти, СТИР нусхаси;
- **ҳуқуқий шахслар** – давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган ҳолда;
- закалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат.

Савдода иштирок этишни хоҳлаган талабгорлар объектлар билан сотувчи ёки савдо ташкилотчиси орқали танишишлари мумкин.

Юқорида белгиланган санада аукцион савдоси бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2018 йил 28 декабрь ва 2019 йил 15 январь кунлари ўтказилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун буюртманомалар қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил:** Қарши шаҳри, Амир Темур кўчаси, 74-уй.

**Телефон:** (95) 680-84-58, (91) 222-37-15.

**E-mail**: Shuhrat682009@mail.ru

**Веб-сайт**: Nasaf-nedvijimost.zn.uz

*Хизматлар лицензияланган. RR-0204 сонли лицензия.*

